
Расмий муносабат

Ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон туманидаги “Мухтасархонбегим” фермер хўжалиги раҳбари Машрабхон Султонованинг видеомурожаати тарқалди. Унда хўжалик раҳбари Ўзбекистон, Фурқат ва Данғара туманлари ҳудудларига туташ бўлган Қолғандарё мавзесида жойлашган фермер хўжалиги ер майдонига Данғара туманидан баъзи бир фуқароларнинг чиқинди ташлаб кетиш ҳолатлари рўй берадигани, шунингдек хўжалик ерларини суғоришда сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини баён этади.

“Мухтасархонбегим” фермер хўжалиги Қолғандарё мавзесида 149,6 гектар ер майдонида пахта-ғаллачилик йўналишида дехқончилик қилади. Экин ерларини суғорилиши “Абдусамат” сув насос станцияси орқали таъминланади.

Видеомурожаат туман Ирригация бўлими масъуллари ва бошқа мутасаддилар ҳамда бевосита хўжалик раҳбари иштирокида жойида ўрганилди.

Экин ерлари суғорилишини барқарор таъминлаш, шунингдек фермер таъкидлаганидек Данғара тумани ҳудудидан унинг ерларига майший ёки бошқа чиқиндиларни ташлаб кетиш ҳолатларини олдини олиш ва мурожаатда қайд этилган бошқа масалаларни ҳам тегишлича ижобий ҳал этиш чоралари белгиланди.

2022-08-03 09:20:05